

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига кирилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Журнал Фарғона вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 12 апрелда 12-075 рақам билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-наширо бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозогистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ А. (Ўзбекистон)
АБДУЛЛАЕВ С. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ М. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
АБДУЛЛАЕВ Т. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Сабирдинов А.
Ташматова Т.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Мусахҳихлар:
Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Босишига руҳсат этилди: 2022
Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоги: 18

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма № ____

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2022.

МУНДАРИЖА

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

| | |
|---|----|
| Ш.Каримов, З.Комилова Сингуляр коэффициентли түрткінчи тартибли битта теңглама учун Гурса масаласи..... | 6 |
| К.Каримов Яримчексиз параллелепипедда уcta сингуляр коэффициентга эга бўлган эллиптик теңглама учун чегаравий масалалар | 11 |

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

| | |
|--|----|
| Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Райимжонова Яримутказгичларда ток ташувчилар эффектив гамильтониани назарияси хусусида..... | 24 |
|--|----|

КИМЁ

| | |
|--|----|
| М.Хожиматов, Ф.Абдугаппаров, И.Асқаров, Қ.Отахонов М-ферроценилбензой кислотаси билан амигдалин реакциясини ўрганиш | 28 |
|--|----|

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

| | |
|--|----|
| Э.Исаков, Ш.Турдиев Болалар орасида бирламчи ногиронлик структурасининг таҳлили..... | 33 |
| Ф.Тухтасинов Фаргона водийси жанубидаги сабзавот экинларининг агробиоценозлари орасида тарқалган бегона ўтлардаги бўртма ва бошқа тур паразит фитонематодаларнинг тарқалиши | 37 |

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

| | |
|--|----|
| Т.Абдуллаев Инсон фаолиятининг ижтимоийлашуви | 42 |
| Р. Ҳожиев Креатив фикрлаш – жамият тараққиётининг муҳим омили..... | 47 |
| М.Каримова Инсоният онги ва қалбига қаратилган глобал таҳдидлар | 50 |
| А.Музаффаров Маданиятлараро мuloқot категорияси тадқиқига фалсафий -герменевтик ёндашув | 56 |
| А.Қамбаров, Д.Тошлиев Бузрук мақомидан Сарахбори бузрук шуъбасининг таҳлили масаласига доир | 60 |

ТАРИХ

| | |
|---|----|
| Т.Эгамбердиева 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида ўзбек хотин-қизларининг маънавий жасорати..... | 66 |
| Ҳ.Холиқулова Ўзбекистон ногиронлар нодавлат нотижорат ташкилотлари: истиқболлари ва уларни ривожлантириш йўллари..... | 71 |
| О.Ахмадов Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси (БХСР) да таълим ва тарбияни замонавийлаштириш учун кураш | 75 |

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

УДК 165

КРЕАТИВ ФИКРЛАШ – ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ
КРЕАТИВНОЕ МЫШЛЕНИЕ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ
CREATIVE THINKING IS AN IMPORTANT FACTOR OF SOCIAL DEVELOPMENT

Р. Ҳожиев

Аннотация

Мазкур мақолада бугунги кунда бутун дунё миқёсида деярли барча соҳа вакиллари томонидан энг кўп ўрганилаётган креативлик тушунчаси ва тузилиши, унинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар, креативликнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, таълим-тарбия жараёнида ўкувчиларни креатив фикрлаш кўнникмаларини шакллантириш зарурияти ҳамда ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Шахсада креатив фикрлашнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатувчи омиллар фалсафий, психологик, социологик нуқтаи назардан ёндашилган бўлиб, мазкур соҳада фаолият кўрсатган етук олимларнинг ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг тажрибалари ва илмий изланишлари натижаларида эришилган хулосаларига таянилади. Шунингдек, ушбу мақолада креативлик ва креатив фикрлаш тушунчалари хорижий ва маҳаллий мағналарга таянган ҳолда атрофлича таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье рассматриваются понятие и структура творчества, факторы, влияющие на его формирование и развитие, роль творчества в обществе, необходимость развития у учащихся навыков творческого мышления в учебном процессе, а также особенности инициативности, воспитание следующего поколения. Факторы, влияющие на формирование и развитие творческого мышления человека, рассматриваются с философской, психологической, социологической точки зрения, основываясь на опыте и научных исследованиях ведущих ученых и влиятельных международных организаций, работающих в этой области. В этой статье также представлен всесторонний анализ концепций творчества и творческого мышления на основе зарубежных и местных источников.

Annotation

The article examines the concept and structure of creativity, factors influencing its formation and development, the role of creativity in society, the need to develop students' skills of creative thinking in the educational process, as well as the peculiarities of initiative, educating the next generation. The factors influencing the formation and development of human creative thinking are considered from a philosophical, psychological, sociological point of view, based on the experience and scientific research of leading scientists and influential international organizations working in this field. This article also provides a comprehensive analysis of the concepts of creativity and creative thinking based on foreign and local sources.

Таянч сўзлар: Креативлик, креатив фикрлаш, PISA, тафаккур, конвергент тафаккур, дивергент тафаккур, ёшлар, лидер.

Ключевые слова: Креатив, креативность, креативное мышление, PISA, мышление, конвергентное мышление, дивергентное мышление, молодежь, лидер.

Keywords: Creativity, creativity, creative thinking, PISA, thinking, convergent thinking, divergent thinking, youth, leader.

Креатив фикрлаш, бирон бир ишга креатив ёндашиш бугунги кунда жамият ҳаётининг ва ишлаб чиқариш жараёнининг барча соҳаларида энг кўп эътибор қаратилаётган ва ўрганилаётган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Креатив фикрлаш ўзи нима? Бугунги кунда жамиятда креатив фикрлашнинг ўрни қандай? Креативлик хусусиятлари шахсада қандай намоён бўлади?

Мазкур масалага ёндашишда чет эл тажрибасига кўпроқ таяниш зарур, чунки ушбу масала чет эллик олимлар томонидан кенг ва батафсил ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, америкалик психологлар Ҳеннесей ва Амабилеларнинг такидлашича, Креатив ёндашув ва ютуқлар дунё бўйлаб фан ва технологиядан тортиб, фалсафа, санъат ва гуманитар фанлар каби турли соҳаларда инсоният тамаддунини илгари сурган.[1] Европанинг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг баёнотига кўра креатив фикрлаш шунчаки тасодифий ғоялар беришдан каттароқ нарсадир. У инсонга баъзан мураккаб шароитларда, янада яхс ҳироқ натижага еришишга имкон берувчи билим ва тажрибага асосланган

реал кўникумадир. Бутун дунёда жамиятлар ва ташкилотлар муаммоларни ҳал етишда инновацион билим ва яратувчанликка тобора еҳтиёж сезмоқдалар.[2]

Креатив фикрлаш таъсири бутун жамиятга сезиларли инновация турларининг ортида туриши рост, лекин у айни дамда универсал ва тенг лаштирувчи хусусиятга эга феномен ҳамдир, яъни ҳар қандай шахс, у ёки бу даражада, креатив фикрлаш қобилиятига эга.[3]

Америкалик олим Д. Векслер “Креативлик фикрнинг шундай турики, у шахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар пайдо бўлишини тақозо этади ва шаблонли, зерикарли фикрлашдан фарқ қилиб, нарса ва ҳодисалар моҳиятидаги ўзга хослик, ноёблик сифатларини англашга ёрдам беради” - деб таъриф беради.[4]

PISA (ўқувчиларни таълимий ютуқларини баҳолаш ҳалқаро дастури) тадқиқотида креатив фикрлаш билим соҳасида оригинал ва самарали ечимлар, ютуқлар ва тасаввурларни таъсирчан кўринишларга олиб келадиган ғояларни ишлаб чиқиш, баҳолаш ва такомиллаштиришда самарали иштирок этиш қобилияти деб таърифланган.

Креативлик тушунчасининг луғавий маъноси инглиз тилида “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор маъноларини англатади. Жамият ҳаётининг қайси соҳасида қўлланилишига қараб турли соҳа вакиллари томонидан турлича таърифлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, педагогик нуқтаи назардан ёндашганда, креативлик педагогнинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибиға кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди.

Психологик нуқтаи назардан ёндашганда, креативлик инсон шахсининг ижодкорликка бўлган қобилияти, ижодкорлик истеъодод даражаси, индивиднинг анъанавийлик ёки одат тусига кирган фикрлаш схемасидан узоқ бўлган, принципиал янги ғояларни яратишга тайёрликни характерловчи, шунингдек, муаммоларни ўзгача тарзда бартараф этиш, иқтидорнинг мустақил фактори сифатида қабул қилинган ижодий қобилиятларидир. Умуман олганда бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади. Креатив шахс эса, ўзининг фикрлаши, дунёкараши, доимо янгиликларга интилиши, ўз устида тинимсиз ишлаши, муаммога бошқа шахсларга қараганда ноодатий тарзда ечим топа олиши ва оригинал қарашларни билдира олиши, қизиқарли сұхбатдош бўлиш ва бошқа хусусиятларни ўзида акс эттирмоғи лозим

Креатив қобилиятларни фақат янги ғояларни яратишгина учун эмас

А.Маслоу ҳам креативликни – барчага хос туғма ижодий йўналиш, атроф муҳитнинг таъсирида кўпчиликда йўқолиб кетувчи фаолият деб ҳисоблаган.

Америкалик психолог олим Джо Пол Гилфорд ўзининг илмий тадқиқот ишларида креативлик ва интеллектни биринчи маротаба таққослади. У интеллект структураси моделини яратишда тафаккурни конвергент ва дивергент турига ажратди.

Конвергент тафаккур - (лотинча convergere – “бир йўлдан”) тафаккур формаси бўлиб, муаммонинг бир қанча ечимларидан фақат ягона тўғрисини танлашдир. Конвергент тафаккур асосида интеллект ётади, шунинг учун интеллектуал тафаккур деб ҳам аталади.[4]

Дивергент тафаккур – (лотинча divergere – “бўлиниш”) ижодий тафаккур методларидан бири бўлиб, берилган бир муаммонинг бир қанча ечимларини топиш, шунинг билан бир қаторда, дивергент тафаккур “бир вақтнинг ўзида турли йўналишларга изланиш, яъни бир муаммога бир нечта тўғри жавоблар борлигини ва оригинал ижодий ғояларнинг туғилишига хизмат қиласи” [5]

Дивергент тафаккурнинг негизини эса креативлик ташкил этади. Креативлик тафаккурнинг қай даражада шаклланганига ҳам боғлиқ бўлиб, шахс тафаккури қанчалик яхши ривожланган бўлса, креатив фикрлаши ҳам шунчалик ривожланган бўлади.

Бироқ креативлик фақатгина тафаккурнинг юқори даражада ривожланганлиги билан ҳосил бўли қолавермайди, яъни интеллектуал салоҳияти юқори шахс ҳар доим ҳам креатив фикрлай олмаслиги мумкин. Буни Джо Гилфорд тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин. Гилфорд ўз креативлик структурасида дивергент тафаккурдан ташқари ўзгарувчанлик қобилияти, ечимнинг аниқлиги ва бошқа интеллектуал параметрларни бирлаштириди. Шунингек, у креативлик ва интеллект ўртасида ўзаро узвий алоқа борлигини исботлади. Бироқ, Гилфорд ўз тажрибаларида юқори интеллектуалларнинг тест ечиш давомида ижодкорлик хулқини ҳар доим ҳам кўрсатмаслигини, креатив паст интеллектуалли бўлмаслигини аниқлади. Шундай экан, дивергент тафаккур креатив жараённинг барча хусусиятларини акс эттирмайди

Э.П.Торренс фикрича, “креативлик” тушунчasi негизида қуйидаги ёритилади: - муаммони ёки илмий фаразларни илгари суриш; - фаразни текшириш ва ўзgartириш; - қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммога аниқлаш; - муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг - ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик. Креатив фикрлаш ҳар бир ижтимоий соҳада яққол акс этиши мумкин.[5]

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Умуман олганда, креативлик – бу янги, оригинал ғояларни яратиш, фикрлашнинг ностандарт шакли, берилган муаммоларга омадли ечимлар топишдир. Креатив тафаккур эса революцион тафаккур бўлиб, у конструктив характерни ифодалайди.

Креатив фикрлашда таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Креатив фикрлаш бугунги кунда ёшлар эгаллаши керак бўлган муҳим кўникмадир.[6]

Мазкур кўникма, ёшларга бугунги шиддат билан ўзгараётган, замонавий ахборот коммуникацияларидан фаол фойдалана оладиган, оддий саводхонлиқдан кўра кўпроқ натижа яъни ташаббускорлик талаб қилинаётган, бир сўз билан айтганда XXI аср кўникмаларига эга малакали кадрларга талаб кучаяётган бир пайтда ушбу жараёнга мослашишига ва рақобатбардош кадр бўлиб етишишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, креатив фикрлаш жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган, шахснинг тафаккури билан бевосита боғлиқ бўлган жараён ҳисобланниб, шахсда, айниқса, ёшларда ушбу кўникмани шакллантириш келгусида мамлакат тараққиётининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ёшларни креатив фикрлашини шакллантириш ва ривожлантиришда куйидаги жиҳатларга аҳамият қаратиш лозим.

Биринчидан, шахс тарбиясида болалиқданоқ унинг фикри муҳим аҳамият касб этишини ва жамоада ўз ўрнига эга эканлигни хис қилдириб бориш;

Иккинчидан, бугунги кунда жамията шаклланган дорматик қарашлардан воз кечиш;

Учинчидан, бошқарув жарёнида автократик усуслардан кўра демократик усусларни кўпроқ қўллаш;

Адабиётлар:

1. Hennessey, B. and T. Amabile (2010), «Creativity», *Annual Review of Psychology*, Vol. 61, pp. 569-598
2. OECD (2010), *The OECD Innovation Strategy: Getting a Head Start on Tomorrow*, OECD.
3. OECD (2017), *PISA 2021 Creative Thinking Strategic Advisory Group Report*, Organisation for Economic Co-Operation and Development, [https://one.oecd.org/document/EDU/PISA/GB\(2017\)19/en/pdf](https://one.oecd.org/document/EDU/PISA/GB(2017)19/en/pdf) (accessed on 26 March 2018).
4. Савельева М.Г. Педагогические кейсы: конструирование и использование в процессе обучения и оценки компетенций студентов / Учеб.- мет.пособие. – Ижевск: ФГБОУВПО “Удмуртский университет”, 2013. – С. 9.
5. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
6. Lucas, B. and E. Spencer (2017), *Teaching Creative Thinking: Developing Learners Who Generate Ideas and Can Think Critically.*, Crown House Publishing, https://bookshop.canterbury.ac.uk/Teaching-CreativeThinking-Developing-learners-who-generate-ideas-and-can-thinkcritically_9781785832369 (accessed on 26 March 2018).

(Такризчи: Т.Абдуллаев, фалсафа фанлари доктори, профессор).